

**Сув хўжалиги вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ижросини
таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

2026 йил 1 январь ҳолатига

Сув хўжалиги соҳасида ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгартириш – соҳа ходимларининг энг муҳим ҳамда асосий фаолият мезонларидир.

“Ijro.gov.uz” тизимидаги Давлат раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарори асосида ташкил қилинган ягона ва узлуксиз “технологик занжир” асосида амалга оширилиб, ижро интизомига риоя этиш борасида қатъий тартиб, интизом ва тизимли назорат ўрнатилиб, муайян натижадорликка эришилди.

2025 йилнинг декабрь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларини 25 декабрга қадар ижросини таъминлашга қаратилган I–II картотека топшириқлар рўйхати, вазир ўринбосарлари кесимидаги Календарь режа ҳамда “Йўл харита”лар ишлаб чиқилиб, ижро учун барча вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарларига етказилган.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 058 та топшириқ назоратга олинган ва ижроси таъминланган. Шундан, 121 таси белгиланган муддатидан кечиктириб бажарилган ва 3 та топшириқни назоратдан олиш ва муддатини узайтириш юзасидан Адлия вазирлигига таклифлар киритилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг жорий йилнинг январь ойидаги мажлисида кўриб чиқилади.

Администрация раҳбарининг 88 та топшириғи назоратга олинган ва ижроси таъминланган. Шундан 9 таси белгиланган муддатидан кечиктириб бажарилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 512 та топшириғи назоратга олинган ва ижроси таъминланган. Шундан, 66 таси белгиланган муддатидан кечиктириб бажарилган.

2025 йилнинг декабрь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Администрация раҳбарининг 29 та топшириғи, Вазирлар Маҳкамасининг 72 та топшириғи (100%) тўлиқ бажарилган ва ўрнатилган тартибда назоратдан чиқарилган.

562 та Президент топшириқларининг 559 таси бажарилган ҳамда 3 таси бажарилмаган. Бугунги кунда, ушбу топшириқни назоратдан олиш ва муддатини узайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси раёсатига таклиф киритилган.

Шунингдек, 2026 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 98 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан 65 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 33 тасида ҳам ижрочи.

Администрация раҳбарининг 21 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан 18 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 3 тасида ҳам ижрочи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 42 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, 29 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 13 тасида ҳам ижрочи ҳисобланади.

Топшириқлар ижросини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳар ҳафта вазирлик марказий аппарати йиғилишлари ҳамда ҳар ой якуни билан ҳайъат йиғилишида танқидий таҳлил қилиб борилмоқда.

Ташкилий назорат ва таҳлил бўлими